

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСҚАРОВА МАНЗУРА АВАЗБЕКОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚИШ ВА МАТНИИ
ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD)**

Аскарова Манзура Авазбековна

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини
ривожлантириш..... 3

Аскарова Манзура Авазбековна

Развитие навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных
классов..... 23

Askarova Manzura Avazbekovna

Development of reading and text comprehension skills in primary school
students..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСҚАРОВА МАНЗУРА АВАЗБЕКОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚИШ ВА МАТНИИ
ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped537 рақам билан рўйхатга олинган. В2020.1.PhD/Ped537

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маъмуров Баходир Бахшуллоевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Собирова Махбуба Юсупджановна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» октябрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2020 йил «17» октябрь кuni таркатилди.
(2020 йил «17» октябрь даги 3 - рақамли реестр баённомаси).



Т.Файзуллаев
Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

К.А.Абдуллаев
К.А.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Ш.В.Абдуллаев
Ш.В.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д.профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим муаммосининг долзарблиги энг муҳим масалалардан бири саналиб, 2030 йилгача белгиланган Халқаро таълим концепциясида бошланғич таълим – таълим тараққиётининг асосий харакатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият сифатида эътироф этилди. АҚШ, Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур, Россия каби давлатларда ўтказилган таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар ва эришилган натижалар мазкур илмий изланиш учун ўзига хос методологик асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, таълим соҳасида эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, энг аввало, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш саводхонлигини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунёда таълим соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синфдан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида ўқиш ва матнни тушуниш саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) дастуридан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш даражасини такомиллаштириш устида тизимли ҳамда мақсадга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантирувчи таълимий жараённи ташкил этишнинг педагогик ва методик имкониятларини янада кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, ўқувчилар саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, илғор хорижий тажрибаларни бошланғич таълимга кенг жорий этиш, ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш, уларда мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга доир интерфаол топшириқлар тизими, ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик механизмини ишлаб чиқиш, технологик босқичларини аниқлаштиришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий, маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг назарий-тарихий асослари Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Фаробийларнинг асарларида кенг ёритиб ўтилган.

Республикада ўқувчиларни ўқишга ўргатиш ва китоб мутолаасининг социологик, акмеологик, педагогик ва методик жиҳатлари А.Умаров, Б.Ғаниева, А.Абдулазизов, Қ.Йўлдошев, Ф.Аминова, Т.Зиядова, Д.Муминова, Д.Қосимова, С.Қамбарова, Қ.Хусанбоева, Б.Ходжаев, Б.Маъмуров, Р.Ниёзметова, М.Собирова каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Э.Худайбердиев, Е.Карсалова, Д.Хафизов, С.Тарасова, Л.Титаренко, Т.Атрохова, Н.Киселев, Л.Менчикова, Н.Селиверстова, В.Бородина, О.Шишкина, С.Р.Прибылых, С.Икрамова, Н.Збаровскаяларнинг тадқиқот ишларида ўқиш ва матн устида ишлашнинг самарали йўллари ёритиб берилган.

Хорижда ҳам мазкур йўналиш бўйича олимлар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, S.Allen, R.Sagor, R.Brown, S.Swennumson, F.Vellutino, S.Fisher, T.Scarlach, K.Miharalarнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларни матн билан ишлашга ўргатиш ва ўқиш саводхонлигини баҳолаш механизмлари тадқиқ этилган.

Бироқ бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, ўқиш саводхонлигини баҳолашнинг педагогик-психологик, методик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ўқувчиларни ўқиш ва матн устида ишлашга ўргатиш, матн бўйича тузилган мантиқий саволларга жавоб топиш ҳамда бадиий матн таҳлилига танқидий ёндашиш технологиясининг ишлаб

чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг “Бошланғич таълим” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёни ва тузилмасини ёритиб бериш;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизимини аниқлаштириш;

ўқувчиларнинг матнга оид тузилган тест топшириқларини бажариш кўникмасини баҳолашнинг дифференциал мезонларини аниқлаш;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, унда Наманган вилояти Наманган туманидаги 23-сонли, Наманган шаҳридаги 57-сонли, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 1- ва 3-сонли, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 26- ва 66-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 295 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (қиёсий, таҳлилий), диагностик (кузатиш, суҳбат, сўровнома), педагогик тажрибасинов, математик-статистик таҳлил, умумлаштириш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий таълим муҳити шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёни тузилмаси халқаро баҳолаш дастури талабларини миллий ўқитиш тизими билан ўзаро уйғунлигининг кооператив даражавийлигини бевосита белгилаш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизимининг амалий компоненти мантиқий, креатив ва танқидий фикрлашга ўргатишга доир интерфаол топшириқларни интенсив лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг матнга оид тузилган тест топшириқларини бажариш кўникмасини баҳолашнинг дифференциал мезонлари (продуктив, креатив,

мантикий) халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мос равишда ўқув топшириқларини яратиш ва мантикий тизимлаштириш жараёнининг аналитик тафаккурни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш даражаси жадаллигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминоти ижодий ва аналитик фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни ташкил этиш технологиясини тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмасини ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида мантикий тафаккур юритиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга доир интерфаол машқлар ва тестлар тўплами ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш технологиясининг алгоритмик босқичлари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга оид замонавий мулоҳазалар кўламининг кенгайтирилганлиги; ўқиш ва матнни тушуниш методикасининг янги хулосалар билан бойитилганлиги, PIRLS тестларини ишлаб чиқиш орқали самарали натижаларга эришилганлиги; бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари аниқланганлиги ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини такомиллаштириш жараёнида мантикий фикрлашнинг намоён бўлиши, унинг тавсифи ва мантикий фикрлашни шакллантириш, ўқиш кўникмасини такомиллаштириш асосида матнни тушуниш методикаси ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқиш дарсларини ташкил этиш шакл ва методларининг модификацияланганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бошланғич таълим учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш,

ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари малака талабларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

замонавий таълим муҳити шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёни тузилмасини аниқлаштириш, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизимининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир таклифлардан бошланғич синфлар учун “Ўқиш” ва “Она тили” фанларидан Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 23 июндаги 01/11-03/03-58-6-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларнинг матн билан ишлаш кўникмасини баҳолашнинг дифференциал мезонларини аниқлаштириш, халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мос равишда ўқув топшириқларини яратиш ва мантикий тизимлаштириш жараёнининг аналитик тафаккурни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш даражаси жадаллигини ҳисобга олишга доир таклиф ва тавсиялардан Халқ таълими вазирининг 2018 йил 14 декабрдаги 316-сонли буйруғи 2-илоvasи билан тасдиқланган халқаро тадқиқотларда иштирок этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 23 июндаги 01/11-03/03-58-6-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларини матн билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш ва халқаро тадқиқотларда иштирок этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш, ижодий ва аналитик фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни ташкил этиш технологиясини тизимли қўллашга доир таклиф ва тавсиялардан А-5-37 рақамли “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2151-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг медиаматнларни ўқиш ва тушуниш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 137 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.


Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг ижтимоий зарурат эканлиги, педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда назарий модели ёритиб берилган.

PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) – бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш даражасини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастуридир. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини қай даражада ривожланганлиги ҳақидаги маълумотларни халқаро миқёсда таққослаш имконини берадиган, ўқиш ва ўқитишни яхшилаш учун таълим соҳасидаги давлат сиёсатида оид маълумотларни ўзида акс эттирадиган йирик халқаро баҳолаш дастуридир. Ўқиш ва матнни тушуниш бўйича тузилган мантиқий саволлар тафаккур жараёнларини фаоллаштиради ва таълимда турли даражадаги ўқув жараёнини такомиллаштиришга асос бўла олади. PIRLS ўқувчилар томонидан мактаб ва мактабдан ташқари таълим олишнинг катта қисмини ташкил этувчи, яъни бадиий тажриба орттириш, маълумот олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш каби иккита кенг қамровли мақсадларни ўзида ифода этади.

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга доир бошланғич синф ўқитувчиларининг тажрибасини умумлаштирган ҳолда PIRLS баҳолаш дастуридаги ўқув топшириқлари улуши фоиз ҳисобида аниқлаштирилди: (1-расмга қаранг).

1-расмдан кўриниб турибдики, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш PIRLS тадқиқотида тушуниб ўқишни баҳолашга йўналтирилган топшириқларни бажариш жараёнида аниқ кўринишда берилган маълумотни топиш 20 %ни, тўғридан-тўғри хулосалар чиқариш 30 %ни, ғоялар ва ахборотни умумлаштириш,

талқин қилиш ва уйғунлаштириш 30%, контент ва матн элементларини баҳолаш ва танқид қилиш 20%ни ташкил этиши муҳим омил ҳисобланади.



1-расм. Ўқувчиларда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда PIRLS баҳолаш дастуридаги ўқув топшириқлари улуши

1-расмда келтириб ўтилганидек, ўқув топшириқлари улушини белгилаб олиш бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш дарсларида матнни ўқиш ва тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи топшириқлар, матн бўйича берилган саволларга жавоб бериш асосида амалга оширилади ва ўқувчиларни матн бўйича маълумотларни ўзлаштирганлик даражаси таҳлил қилиб борилади.

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида АҚШ, Япония, Буюк Британия, Австралия, Сингапур шунингдек, Россияда олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, мазкур тадқиқот учун ўзига хос методологик асос вазифасини бажариши далилланган. PIRLS халқаро баҳолаш дастурларида дунёнинг 50 дан ортиқ давлат иштирок этиб келмоқда. Бунда турли давлатлардаги бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва қабул қилиш бўйича тайёргарлиги ҳамда ўқувчиларнинг турли ютуқларга эришишига сабаб бўлувчи омиллар аниқланиб, баҳо берилади. Бугунги кунда PIRLS баҳолаш дастури бўйича Россия етакчилик қилмоқда.

Манбаларга асосланган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда ўқиш дарслари ва синфдан ташқари ўқишнинг замонавий таҳлили келтирилган, шунингдек, педагог-психолог олимларнинг фикрлари, таълимга доир замонавий ёндашувлар очиб берилган. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни

тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув адабиётлари, соҳага оид илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш ва ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари билан суҳбатлар олиб борилди, зарурий хулосаларга келинди.

Ушбу таҳлиллар бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш, ўқитишга янгича ёндашув, эришилган ижобий натижаларга кўра PIRLS халқаро баҳолаш дастурини ўқув жараёнига татбиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари аниқланди: назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш, бошланғич синф ўқиш дарсларида маълумотларни ўзлаштиришнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ўқувчиларга етказа олиш, ўқиш ва матнни тушунишни ривожлантириш бўйича халқаро тажрибага таяниш, ўқилган матнлар бўйича мантиқий саволлар тузиш ва жавоб топишга ўргатиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва шулар асосида хулоса чиқара олиш, асар мазмуни ва аҳамиятини тушуниш, ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини эгаллаш кабилар.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий моделини ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).


Модел компонентлари ўзаро бир-бири билан мустақкам алоқадорликка эга бўлиб, ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Моделнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат этиб белгиланди. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: 1) танлаб ўқишга йўналтириш орқали матнни тушуниш мотивациясини шакллантириш; 2) ривожлантирувчи машғулотларни ташкил этиш; 3) PIRLS топшириқларини ишлаб чиқиш.

Моделда методологик асос сифатида ўқувчиларда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги тамойиллари белгилаб берилди: илмийлик; тизимлилик; ёш ва психологик хусусиятларни ҳисобга олиш; ўқувчиларнинг ўқиш ва матнни тушуниш бўйича ўқитишнинг бир мақсадга йўналганлиги; ўқувчи шахсида ўқиш ва матнни тушунишни қарор топтириш; ўқувчи шахсида ўқиш ва матнни тушунишни такомиллаштиришга индивидуал ёндашув.

Моделнинг навбатдаги босқичи мазмунли компонент бўлиб, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш, матн бўйича мантиқий ва танқидий фикрлашга ўргатиш; матнни тушуниш бўйича PIRLS ўқув топшириқларининг ностандарт ечимларини излаш ва топиш кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириш; ўқиш ва матнни тушунишни кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган машқлардан фойдаланиш; ўқувчиларда

креатив фикрлашни шакллантириш имкониятини ҳосил қилиш масалаларини ўз ичига қамраб олган.



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матни тушунишни ривожлантиришнинг назарий модели

Моделнинг жараёнга доир компоненти ўзида қуйидагиларни акс эттирди: 1) лойиҳалаш (ўқиш ва матнни тушуниш бўйича кутиладиган натижаларга эришишнинг педагогик механизмини ишлаб чиқиш); 2) ташкил этиш (шакл, метод ва воситаларни танлаш); 3) бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш учун субъектив ёндашувни қарор топтириш; 4) PIRLS топшириқларини тақдим этиш ва диагностика қилиш; 5) ўқиш ва матнни тушунишни ривожлантириш самарадорлигини таъминловчи шарт-шароитларни ҳисобга олиш.


Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш механизми, продуктив ўқиш ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни ривожлантириш воситаси эканлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш технологияси ёритиб берилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида барча ақлий жараёнлар фаол ривожланади. Шу сабабли 4-синф ўқувчиларининг ўқиш ва матнни тушуниш даражасини баҳолаш учун PIRLS саволлари ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич ўтказиб борилди. Мазкур тест саволлари матндаги ҳаётий вазиятларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш асосида такомиллаштирилди. Интерфаол усуллар орқали ўқиш ва матнни тушуниш кўникмасини ривожлантиришда ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжлари ҳисобга олинди. Мазкур жараёнда ўқувчининг шахсий фаоллигини ошириш, мақбул натижага ўзаро фаол ҳамкорлик орқали эришиш, жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш, мустақиллик ва танлаш эркинлигини яратиш, ўз-ўзини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда мантиқий тафаккурни шакллантириш, мустақил фикрлаш, нутқ ўстириш, персонажларнинг ички кечинмалари, мақсадлар ва натижалар сингари элементларнинг изчил доирасига жойлаштириш учун ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш, ўқувчиларни ўқиётган матн бўйича маълумотларни умумлаштириш ва хулоса қилишга мақсадли йўналтириш лозим. Ушбу механизм бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш учун яратилган методик қўлланма ҳамда тавсияларни қўллаш самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

3-расмда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган механизми келтириб ўтилган.

Ушбу механизм орқали бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари аниқлаштирилди, ўқитиш мазмуни ва методик таъминоти такомиллаштирилди.



3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган механизми

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш қобилиятининг ҳолати талаб қилинадиган даражадан сезиларли равишда орқада қолмоқда. Бу эса, академик кўрсаткичларга жиддий таъсир қилади. Таълим жараёнида айрим ўқувчиларининг ижобий натижага эриша олмаслигининг асосий сабаби бошланғич синфда яхши ўқимаганликлари ва ўқиш қобилиятининг паст даражадалигидир.

Ўқишдаги қийинчиликлар туфайли ўқувчилар ўқишга нисбатан доимий сушт муносабатда бўлишади, бу эса шахснинг умумий ривожланишига таъсир қилади. Бундай вазиятда ўқиш учун алоҳида эътибор ва назорат зарурдир. Ҳамма ўқувчиларда ўқиш кўникмаси шаклланади, лекин ҳаммасида ҳам уқиб, тушуниш кўникмаси бир хил таркиб топмайди. Бу эса, ўқувчиларни ўқиш ва матнни тушунишга ўргатишнинг самарали метод ва воситаларини

оқилона танлаш катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Шунинг учун мазкур масалани бошланғич синфдан бошлаб ҳал қилиш зарур.

Ўқиш кўникмаларини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, унинг ҳар бир босқичида ўқитувчи ва ўқувчилар олдида катта вазифалар туради. Ушбу вазифаларни кўйидаги алгоритмик ҳаракат ёрдамида самарали ҳал этиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш алгоритми

Бошланғич синфларда ўқиш ва матн устида ишлашнинг алгоритмик босқичлари				
1-босқич	Матнни ўқиб чиқиш ва семантик қисмларга ажратиш	Режа тузиш (иктибос келтириш, савол, расм, ҳикоя)	Тайёр режа асосида ўқиш	Матнни қайта ўқиш
2-босқич	Матнни батафсил, танлаб ижодий ўқиш	Олдиндан тайёрланган янги матнни ўқиш	Танлаб ўқиш (муайян вазифа асосида)	Синф жамоаси олдида ўқиш
3-босқич	Матннинг асосий ғоясини акс эттирувчи жумла ёки парчани излаб топиш	Образли сўзлар, тавсифларни топиш ва ўқиш	Сўзларнинг мантиғини топиш	Матндаги энг узун сўзни топиш
4-босқич	Икки, уч, тўрт бўғинли сўзларни топиш	Ўқиш жараёнида тушунарсиз сўзларни белгилаш	Луғатдан фойдаланиш	Ўқилган матнни ҳикоя қилиш

Диссертациянинг ушбу бобида шунингдек, бошланғич синфларда матн устида ишлаш ва билиш мустақиллигини оширишнинг методик имкониятлари, 4-синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш бўйича PIRLS баҳолаш дастури намунавий тест саволлари ишлаб чиқилган. Натижада, таълим амалиётига татбиқ этиш мақсадида “Бошланғич синфларда ўқиш ва матнни тушуниш” номли методик қўлланма яратилди. Мазкур қўлланма амалдаги ўқиш китобини тўлдирган ҳолда синфдан ташқари ўқишни ташкил этиш мазмунига сингдирилиши лозим бўлган ўқувчиларнинг ўқиш ва матнни тушуниш даражасини баҳолашнинг халқаро талабларга мослигини таъминлашнинг методик жиҳатларини ўз ичига олган манба сифатида хизмат қилди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини баҳолаш методикаси ва тажриба-синов ишлари натижалари ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида олиб борилди. Тажриба-синов ишлари олиб борилган таълим муассасаларида ўқувчилар билан дастлаб суҳбатлар ўтказилди. Иккинчи босқичда ўқувчиларда ўқиш ва

матнни тушуниш даражасини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилди. Таълимий босқичда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш механизми амалиётга татбиқ этилди. Аниқлаштирувчи босқичда адаптив тестлар асосида ўқувчиларда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожланганлик даражаси таҳлил этилди. Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш асосида тажриба аввалида қуйидаги кўрсаткичлар аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тажриба аввалида тажриба гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган	4-синф	100	11	11	33	33	54	54	100,00
Фарғона	4-синф	95	11	12	33	34	52	55	100,00
Андижон	4-синф	100	13	13	35	35	53	53	100,00
Жами		295	35	12	101	34	159	54	100,00

Тажриба-синов ишлари аввалидаги назорат гуруҳлари натижалари 3-жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

Тажриба аввалида назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган	4-синф	100	12	12	29	29	58	58	100,00
Фарғона	4-синф	95	9	10	29	30	56	59	100,00
Андижон	4-синф	100	11	11	31	31	60	60	100,00
Жами		295	32	11	89	30	174	59	100,00

Математик-статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичда синов ва назорат гуруҳларида қайд этилган натижаларни танланмалар сифатида белгилаб, юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлади. Тажриба аввалидаги натижалар умумлаштирилиб, қуйидаги жадвал кўринишида тақдим этилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини тажриба аввалидаги кўрсаткичлари

Тажриба-синов босқичи	Тажриба гуруҳи (295 нафар респондент)			Назорат гуруҳи (295 нафар респондент)		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Тажриба аввалида	159	101	35	174	89	32
Фоизларда:	54	34	12	59	30	11

Тажриба-синов ишлари сўнгидаги назорат гуруҳларининг умумий кўрсаткичлари 5-жадвалда келтириб ўтилган.

5-жадвал

Тажриба сўнгидаги назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

№	Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
1	Наманган	4-синф	100	8	8	25	25	66	66	100,00
2	Фарғона	4-синф	95	6	6	25	26	62	66	100,00
3	Анджон	4-синф	100	7	7	27	27	69	69	100,00
	Jami		295	21	7	77	26	197	67	100,00

Тажриба гуруҳининг якуний кўрсаткичлари 6-жадвалда акс этирилган.

6-жадвал

Тажриба сўнгидаги тажриба гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

№	Вилоятлар	Синфлар	Ўқувчилар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
1	Наманган	4-синф	100	37	37	49	49	13	13	100,00
2	Фарғона	4-синф	95	37	38	50	52	10	11	100,00
3	Анджон	4-синф	100	36	36	51	51	12	12	100,00
	Jami		295	110	37	150	51	35	12	100,00


5-6-жадваллардаги маълумотлар ўзаро таққосланиб қуйидагича умумлаштирилди (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларининг ривожланганлик даражасининг динамик ўсиши

Тажриба-синов босқичи	Тажриба гуруҳи Ўқувчилар сони – 295 нафар			Назорат гуруҳи Ўқувчилар сони – 295 нафар		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Тажриба якунида	35	150	110	197	77	21
Фоизларда:	12	51	37	67	26	7

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишга эга бўлди (3-расмга қаранг):



3-расм. Тажриба сўнгидаги тажриба ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари динамикаси

7-жадвалдаги сонли маълумотлар математик статистиканинг Стьюдент ва Пирсон усуллари ёрдамида таҳлил қилинди. \bar{x} ва \bar{y} лар орқали тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари мос равишда $\bar{x} = 3,4$ ва $\bar{y} = 4,25$ га тенг.

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{3,4 \cdot 100\%}{5} = 68\% \quad \bar{Y}\% = \frac{4,25 \cdot 100\%}{5} = 85\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y}\% - \bar{X}\% = 17\%$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнггида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 17% га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолаш натижаларини келтирамиз. S_X ва S_Y лар орқали уларга мос танланмаларнинг ўртача квадратик четланишларини белгилаб оламиз. У ҳолда: $S_X = 0,62$ ва $S_Y = 0,654$. Ҳар икки гуруҳ учун ўрта қийматларининг аниқлик даражаларини ҳисоблаймиз.

$$C_X = \frac{S_X}{x \cdot \sqrt{n}} \cdot 100\% = 1,06\% ; \quad C_Y = \frac{S_Y}{y \cdot \sqrt{n}} \cdot 100\% = 0,89\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини эътироф этади.

Биз бош тўпламларга мос келган ўрта қийматларни μ_x ва μ_y лар орқали белгилаб, улар устма-уст тушиши ҳақидаги $H_0 : \mu_x = \mu_y$ фаразни олдинга суриб, унинг тўғри ёки нотўғрилигини Стьюдентнинг қуйидаги статистикаси орқали текширамиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_X^2}{n} + \frac{S_Y^2}{m}}} = 16,34$$

$p = 0,95$ ишончлилиқ эҳтимолига мос келган критик нуқтани жадвалдан аниқлаймиз: $t_{0,95} = 1,96$. Кўришиб турибдики, $T_{x,y} > t_{0,95}$.

Демак, биз H_0 фаразни рад этиб, мос ўрта қийматлар бир-биридан фарқланишини тан оламиз.

Ниҳоят биз энди тажриба ва назорат гуруҳларига мос келган тақсимот қонуниятлари тенглиги ҳақидаги $K_1 : F_x = F_y$ гипотезасини Пирсон статистикаси ёрдамида текширамиз:

$$X_T^2 = \frac{1}{n \cdot m} \cdot \sum_{i=1}^4 \frac{(nm_i - mn_i)^2}{n_i + m_i} = 197,061.$$

$p = 0,95$ ишончлилиқ эҳтимолига, ҳамда озодлик даражаси $\nu = 4 - 1 = 3$ га мос келган критик нуқтани жадвалдан аниқлаймиз:

$Z_{0,95}(3) = 7,82$. Бу ҳолда ҳам, $X_T^2 > Z_{0,95}(3)$, яъни K_1 фараз рад этилар экан. Юқоридаги статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган ўқитиш услубиётлари бир-биридан тубдан фарқли бўлиб, тажриба гуруҳларидаги самарали экан.

Демак, тадқиқот натижалари бўйича ўтказилган ва диссертацияда келтирилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишлари самарали эканлигини ҳамда қўйилган мақсадга эришилганликнинг тасдиқланганини кўрсатади.

ХУЛОСА

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушунишга ўргатиш мураккаб педагогик жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш бошланғич синф ўқитувчиларидан жараёнга мақсадли, тизимли ёндашишни талаб этади. Бинобарин, ўқувчиларни ўқиш ва матнни тушунишга ўргатишда бошланғич синф ўқитувчилари етакчи ўрин эгаллайди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг педагогик-психологик асослари, ташкилий-методик талабларидан етарли даражада хабардор бўлишса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин.

2. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва матнни тушунишга ўргатишда мазкур жараённи самарали амалга оширишга хизмат қиладиган омиллар, аниқ педагогик-психологик хусусиятларни ҳисобга олиш лозим.

3. Бошланғич синф ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда юқори сифатли ўқиш кўникмаларини ривожлантиришдир. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва матнни тушунишга ўргатиш бугунги кунда интерактив тавсифга эга бўлиши зарур.

4. Ўқувчиларни матнни таҳлил этиш, ёрдамчи саволларга жавоб бериш, қўшимча маълумотларга эга бўлишига ёрдам бериш ва ўқишни узвий давом эттириши учун индивидуал ва гуруҳларда ишлашга доир топшириқларни тизимли тақдим этиб бориш лозим.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида барча ақлий жараёнлар фаол ривожланади. Ана шу сабабли ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш жараёнини босқичма-босқич кузатиш ва унга тузатишлар киритиб бориш лозим.

6. Ўқиш дарсларида энг кўп учрайдиган муаммо ўқув-билув мотивациясининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмаслигидир. Ўқувчиларда ўқишга қизиқишни ошириш учун ҳар бир дарсда қулай таълим муҳитини яратиш, интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш зарур.

7. Бошланғич синфда матнлар билан ишлаш асосан ўқиш дарсларида олиб борилади. Бадиий ўқиш дарсларида матнлар билан ишлашда нафақат

Ўқиш техникасини ривожлантириш ҳамда ўқиб-ўрганилган маълумотларни тушуниш, балки ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни индивидуал ўқув фаолияти ҳамда ҳаётий вазиятларда қўллаш билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак: а) маълумотни излаб топиш; б) матнни шарҳлаш; в) матн мазмуни ёки унинг шакли ва уларни баҳолаш ҳақида фикр юритиш; г) матнни ўқиш, унинг асосий элементларини белгилаш, матнда билвосита ифодаланган керакли маълумотларни қидириш, асосий ва иккинчи даражали таркибни ажратиб кўрсатиш; д) турли хил тавсифга эга тестларда мавжуд бўлган маълумотларни таққослаш ва унга далил, хулосаларни топиш, муаллифнинг ёки матннинг асосий ғояси тўғрисида хулоса чиқариш; е) матнда мавжуд бўлган маълумотни бошқа манбалардан олинган ахборотлар билан боғлаш, унда баён этилган фикрларни баҳолаш, нуқтаи назарни химоя қилиш учун далилларни излаб топиш.

8. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларининг жадал ривожланиши мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни, механизми ва технологиясининг пухта асосланганлигига боғлиқ. Шу боис тадқиқот доирасида назарий таҳлил ва амалий фаолият натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг мақбул механизми, методикаси ҳамда технологияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг инновацион-методик тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга доир миллий баҳолаш топшириқлари мажмуини ишлаб чиқиш ва кенг оммалаштириш лозим.

3. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва матнни тушунишга ўргатиш бўйича болалар учун яратилган бадий асарларни оммалаштиришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ўқувчиларининг ўқиш саводхонлигини баҳолаш бўйича ўтказиладиган PIRLS халқаро тадқиқотига тайёргарлик кўриш учун машқ дафтарларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АСКАРОВА МАНЗУРА АВАЗБЕКОВНА

**РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ И ПОНИМАНИЯ ТЕКСТА У
УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (начальное образование)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Наманган – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.PhD/Ped537.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маъмуров Баходир Бахшуллоевич
доктор педагогических наук, доцент

Собирова Махбуба Юсупджановна
кандидат педагогических наук, доцент


Ведущая организация:

Андижанский государственный университет


Защита диссертации состоится «29» октябрь 2020 года в «15.00» часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за номером 3). Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Автореферат диссертации разослан 17.10 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от 17.10 2020 года).


Т.Файзуллаев
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.с.н., профессор


К.А.Абдуллаев
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент


Ш.В.Абдуллаев
председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире актуальность проблемы образования считается одним из важных вопросов, в Концепции международного образования до 2030 года начальное образование признано как основная движущая сила прогресса образования и важная деятельность, ведущая к целям устойчивого развития. Международные исследования и их результаты по оценке качества образования, проведенные в таких странах, как США, Япония, Великобритания, Южная Корея, Сингапур, Россия, выполняют задачу своеобразной методологической основы для данного научного изыскания. Вместе с тем, внедрение в практику результатов, достигнутых в сфере образования, прежде всего, требуют проведения научных исследований по развитию грамотности чтения у учащихся начальных классов.

В мире осуществляются широкомасштабные реформы в сфере образования. В этом отношении в целях выявления и развития, начиная с начального класса средних общеобразовательных школ, способностей и одаренности учащихся важное значение приобретает использование международной программы PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) по оценке грамотности чтения и понимания текста. Вместе с тем, организация системной, а также целенаправленной деятельности над совершенствованием уровня чтения и понимания текста учащихся начальных классов является актуальной задачей сегодняшнего дня. В этом аспекте особое значение приобретает дальнейшее расширение педагогических и методических возможностей организации образовательного процесса, развивающего навыки чтения и понимания текста у учащихся начальных классов.

В нашей республике большое внимание уделяется дальнейшему совершенствованию системы непрерывного образования, повышению возможностей качественных образовательных услуг, разработке и внедрению эффективных механизмов развития уровня грамотности учащихся. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «поддержка и реализация творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи, широкое привлечение их к физической культуре и спорту».¹ Это требует широкого внедрения передового зарубежного опыта в начальное образование, совершенствования национальной системы оценки грамотности чтения учащихся, разработки системы интерактивных заданий по развитию у них навыков самостоятельного чтения, методического механизма развития навыков чтения и понимания текста, определения технологических этапов.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлениях главы государства «О Программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года № ПП-3271, Кабинета Министров «О мерах по организации международных исследований в сфере оценки качества образования в системе народного образования» от 8 декабря 2018 года № 997, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретико-исторические основы повышения познавательной активности и развития культуры чтения учащихся широко освещены в произведениях мыслителей Востока Абу Райхана Беруни, Абу Али ибн Сино, Юсуфа Хос Хаджиба, Абу Насыра Фароби.

В нашей республике социологические, акмеологические, педагогические и методические аспекты обучения учащихся чтению и книжечтению нашли свое отражение в научных исследованиях таких ученых, как А.Умаров, Б.Ганиева, А.Абдулазизов, К.Йулдашев, Ф.Аминова, Т.Зиядова, Д.Муминова, Д.Касимова, С.Камбарова, К.Хусанбаева, Б.Ходжаев, Б.Маъмуров, Р.Ниезметова, М.Собирова.

Среди ученых стран Содружества Независимых Государств (СНГ) в исследовательских работах Э.Худайбердиева, Е.Карсаловой, Д.Хафизова, С.Тарасовой, Л.Титаренко, Т.Атроховой, Н.Киселева, Л.Менчиковой, Н.Селиверстовой, В.Бородиной, О.Шишкиной, С.Р.Прибылых, С.Икрамовой, Н.Збаровской освещены эффективные пути чтения и работы над текстом.

За рубежом также по данному направлению был проведен ряд научных изысканий, в исследовательских работах ученых S.Allen, R.Sagor, R.Brown, S.Swennumson, F.Vellutino, S.Fisher, T.Scarlach, K.Mihara исследованы механизмы обучения учащихся работе с текстом и оценки грамотности чтения.

Однако, специально не исследованы основные направления развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов, педагогико-психологические, методические аспекты оценки грамотности чтения. Вместе с тем, отсутствие разработки технологии обучения учащихся чтению и работе над текстом, поиска ответов на составленные по тексту логические вопросы, а также критического подхода к анализу художественного текста требуют проведения исследований в данном направлении.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ кафедры «Начальное образование» Наманганского государственного университета по теме «Подготовка учителей: проблемы и перспективы образования и воспитания».

Цель исследования состоит из развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов.

Задачи исследования:

осветить процесс и структуру развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов;

определить систему развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов;

определить дифференциальные критерии оценки навыков учащихся выполнять составленные по тексту тестовые задания;

разработать методическое обеспечение развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов.

Объектом исследования определен процесс развития навыков чтения и понимания текста у учащихся начальных классов, в нем участвовали 295 учащихся начальных классов средних общеобразовательных школ № 23 Наманганского района Наманганской области, № 57 города Намангана, № 1 и №3 Балыкчинского района Андижанской области, №26 и 66 Узбекистанского района Ферганской области.

